

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР  
ИНСТИТУТИ**

**ШАКИРОВ БАХТИЯР МАХМУДОВИЧ**

**НАСОС СТАНЦИЯЛАРИНИНГ ЎЗГАРУВЧАН ПОҒОНАЛИ СУВ  
УЗАТИШИДА ОҚИМ ТАҚСИМЛАНИШИНИ МАҚБУЛЛАШТИРУВЧИ  
АВАНКАМЕРАНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ҲИСОБЛАШ  
УСУЛЛАРИ**

**05.09.06 - Гидротехника ва мелиорация қурилиши**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Докторлик (Doctor of Science) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (Doctor of Science) диссертации**

**Contents of the of Doctoral (DSc) Dissertation Abstract**

**Шакиров Бахтияр Махмудович**

Насос станцияларининг ўзгарувчан поғонали сув узатишида оқим тақсимланишини мақбуллаштирувчи аванкамеранинг назарий ва амалий ҳисоблаш усуллари..... 3

**Шакиров Бахтияр Махмудович**

Теоретические и практические методы расчёта равномерного распределения потока в аванкамере насосной станции ..... 33

**Shakirov Baxtiyar Maxmudovich**

Theoretical and practical methods of calculating uniform flow distribution of the flood in the forebays of the pumping station at the speed feed ..... 63

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 67

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР  
ИНСТИТУТИ**

**ШАКИРОВ БАХТИЯР МАХМУДОВИЧ**

**НАСОС СТАНЦИЯЛАРИНИНГ ЎЗГАРУВЧАН ПОҒОНАЛИ СУВ  
УЗАТИШИДА ОҚИМ ТАҚСИМЛАНИШИНИ МАҚБУЛЛАШТИРУВЧИ  
АВАНКАМЕРАНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ҲИСОБЛАШ  
УСУЛЛАРИ**

**05.09.06 - Гидротехника ва мелиорация қурилиши**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

Техника фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.DSc /Г211 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон қишлоқ хўжалиғи ва агротехнологиялар институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифасида ([www.tiame.uz](http://www.tiame.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Мамажонов Махмуджон техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Гловацкий Олег Яковлевич техника фанлари доктори, профессор  Жоңқобилов Улутмурад Умбарович техника фанлари доктори, доцент  Эргашев Рустам Рахимович техника фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Тошкент Давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиғини механизациялаш муҳандислари институти, ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.10.02 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «11» декабрь соат 14 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел. (+99871)-237-22-67, 237-22-09, факс: 237-54-79, e-mail: [admin@www.tiame.uz](mailto:admin@www.tiame.uz)).

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиғини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишши мумкин. (141 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент ш., Қори Ниёзий кўч., 39, тел.: (+99871)- 237-19-45, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «28» ноябрь кунин тарқатилди.  
(2020 йил «2» 12 даги 141 рақамли реестр баённомаси).



Т.З. Султанов,  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

А.А. Янгиев,  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

М.Р. Бакиев,  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қопидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳондаги муҳим масалаларидан бири қишлоқ хўжалик экинларига зарурий суғориш сувини керакли миқдорини етказиш билан аҳолини озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳисобланади. «Дунё бўйича 4 млрд. 886,3 млн. гектар майдонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилиб, уларнинг 43,2 фоиз қисмидаги экинларни суғориш учун сувни насос станциялари ёрдамида етказиб бериш тизимларидан фойдаланилади»<sup>1</sup>. Бу борада, дунёда суғориш майдонларини сув билан таъминлаш учун суғориш тизими насос станцияларини ишлаш самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилган, жумладан АҚШ, Қанада, Япония, Германия, Россия, Хитой ва бошқа ривожланган давлатларда ҳам маълум натижаларга эришилган.

Жаҳонда машинали сув узатиш тизимини такомиллаштириш, сув олиш иншоотларини лойиҳалаш ва уларнинг эксплуатация самарадорлигини ошириш, энергетика, сув ва материал ресурсларини тежаш бўйича конструктив тадбирларни таъминлашга қаратилган илмий изланишларга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада, жумладан сув олиш иншоотлари тадқиқотида сув оқимини текис тақсимланишини ва чеккадаги насосларни лойиҳавий сув узатишини таъминлайдиган аванкамера конструкциясини ишлаб чиқиш, сув олиш иншоотларида лойқа чўкмаслигини таъминлаш, насос станцияни ҳар қил режимда ишлаши учун сув оқими тузилишини баҳолаш ЭХМ математик модели, алгоритми, шунингдек аванкамера мониторингини қилиш компьютерлаштирилган тизими ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Республикада суғориш тизимлари насос станцияларидан фойдаланиш ва реконструкция қилиш самарадорлигини ошириш, уларнинг иш самарадорлигини таъминлаш бўйича қурилмалар ва технологияларни такомиллаштиришга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларга Ўзбекистон Республикасида янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида жумладан «...миллий иқтисодиётни рақобатбардошлигини ошириш учун энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш»<sup>2</sup> вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан суғориш тизими насос станцияларини самарали ишлашини, аванкамерада оқимни текис тақсимланишини таъминлаш ҳисобига чеккадаги насосларнинг сув ҳайдашини лойиҳавийсига яқинлаштириш ва насосларнинг кавитация режимида ишлашини олдини олиш, лойқа чўкишини олдини олиш бўйича конструктив тадбирлар ишлаб чиқиш, сув олиш иншоотларини лойиҳалаш ва улардан самарали фойдаланишнинг мукамал

<sup>1</sup>[www.amm.org.ua/](http://www.amm.org.ua/)Понятие и состав земель сельскохозяйственного назначения. <https://www.zerno-ua.com/journals/2010>.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 –сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

усулларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий -тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги, 2018 йил 17 апрелдаги ПФ-5418-сон «Қишлоқ ва сув хўжалигини бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 25 сентябрдаги ПҚ-3286-сон «Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини келгусида такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 27 ноябрдаги ПҚ-3405-сон «2018-2019 йиллар давомида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ирригацияни ривожлантириш давлат дастури тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожлантиришнинг VII. “Рационал табиатдан фойдаланиш ва экология” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.**

Ҳозирги вақтда насос станциялари эксплуатация самарадорлигини ошириш ва насос станцияларни сув олиш иншоотларини такомиллаштириш бўйича жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида амалга оширилмоқда, жумладан Department of Mechanical Engineering university of Ottawa (Қанада), Department of Electrical und Computer Engineering Texas University (АҚШ), Chuntsin University, Wuhan University (Хитой), Wageningen University (Голландия), Universität Hohenheim (Германия), Москва давлат қишлоқ хўжалик академияси, Россия мелиорация ва гидротехника илмий-тадқиқот институти, Москва давлат қурилиш университети (Россия), Тошкент давлат техника университети, “Ўзбекэнерго” АЖ илмий техника маркази, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (ТИҚХММИ) ва Ирригация ва сув муаммолари илмий тадқиқот институти (Ўзбекистон) томонидан кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Дунёда ўтказилган тадқиқотлар натижасида оқимни текис тақсимланишини таъминлаш ва насос станцияси сув олиш иншоотларини лойиҳалаш натижасида оқимни текис тақсимланишини таъминлаш учун компьютер программасидан фойдаланилган Wuhan University (Хитой), аванкамера ва сув қабул қилиш бўлинмасини гидравлик характеристикасини яхшилаш, сув узатиш тизимдаги иш жараёни таҳлил қилинган, сув олиш иншоотларини гидравлик иш шароитларини яхшилаш бўйича конструктив

---

<sup>3</sup>Диссертация бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <http://engineering.uottawa.ca/mechanical/>, <http://www.ece.utexas.edu>, <http://international.cqu.edu.cn/>, <http://en.whu.edu.cn/>, <http://www.wur.nl/>, <https://www.uni-hohenheim.de/>, <http://ieek.timacad.ru/>, <http://www.vniig.rushydro.ru/>, <https://www.tyuiu.ru/> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган

тадбирлар ишлаб чиқилган, насос станцияларнинг сув олиш иншоотлари такомиллаштирилган, уларнинг гидравлик иш шароитини яхшилаш бўйича ижобий натижалар қўлга киритилган (Россия, Ўзбекистон ва Украина).

Жахонда насос станция аванкамераларида оқимни текис тақсимланишини таъминлаш учун конструктив тадбирлар ишлаб чиқиш бўйича сув олиш иншоотларида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, шу билан бирга сув олиш иншоотларини лойиҳалашда гидравлик иш шароитини ЭХМ да ҳисоблаб чиқиш программаси ишлаб чиқилмоқда, чўкиндиларни тозалаш техникаси ва технологиясини такомиллаштириш, аванкамерада сувни меъёрий сатҳини таъминлаш, сув олиш иншоотларини гидравлик ҳарактеристикасини яхшилаш бўйича янги рационал конструкцияларини ишлаб чиқиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги вақтда насос станцияларнинг эксплуатациясини юқори самарадорлик билан ишлашини, сув олиш иншоотларини конструкциясини такомиллаштириш ва лойиҳалашни замонавий услубларини тадбиқ этиш ва суғориш сувига катта эҳтиёж борлиги билан боғлиқлик бир неча илмий ишларда ўз ифодасини топган, жумладан В.Dhillon (Department of Mechanical Engineering University of Ottawa, Kanada), Ch.Singh (Техас университети, АҚШ), Керр, Розенберг, Расмуссен, Р.Стюарта (Германия), К.Бари, Э.Барлоу, А.Бироллини, Дж.Фране, Торнли Дж. Омари, А.Буззони (Италия), Отогаро Мийаги, Д.Конди, Г.Тойкура, Н.Кубата, М.Мураками, Х.Кумамото (Япония), Рата (Хиндистон), Д.Т.Гаевика (Швейцария), Момчилов Б., Попов Б. (Болгария), В.В.Рычагов, И.И.Накладов, В.В.Буренина, А.И.Степанов, Г.Г.Еникеев, В.Я.Карелин, М.И.Бальзанников, В.В.Елистратов, Е.Т.Зайченко, В.И.Виссарионов, О.Н.Померанцев (Россия), Ш.Х.Раҳимов, О.Я.Гловацкий, С.И.Кеберле, М.Мамажонов, М.М. Мухаммадиев (Ўзбекистон) ва бошқалар. Гидротехник қурилиш соҳасида гидротехник иншоотларни эксплуатация қилиш назарияси масалаларига катта эътибор қаратилган. Бу борада илмий тадқиқотлар Ц.Е.Мирцхулава, И.Н.Ивашенко, В.С.Пепоян, С.Г.Шульман, Д.В.Стефанишин, О.М.Финагенов (Россия), М.М.Мирсаидов, М.Р.Бакиев, Э.Ж.Махмудов, Т.З.Султанов, А.А.Янгиев (Ўзбекистон) ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Суғориш насос станцияси сув олиш иншоотлари конструкциясини такомиллаштириш ва уларни самарадорлик билан ишлатиш масалалари бир қатор олимлар томонидан олиб борилган Т.В.Гавриленко, А.М.Магомедов, С.А.Петухов, А.Л.Раҳманов, В.А.Солнышков, В.В.Баженов, И.Э.Махмудов, К.Р.Аллаев, О.Я.Гловацкий, Ш.Х.Раҳимов, Т.С.Камалов, М.М.Мухаммадиев, М.М.Мамажанов, Р.Р.Эргашевлар илмий тадқиқот ишларида насос станцияларнинг ишлаш самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишган. Очиқ оқимларнинг ҳисоблаш гидравликаси усулларини қўллаш бўйича ўзини илмий-тадқиқот ишлари билан Дж. Стокер (АҚШ), М. Эббот, Ж. Кюнж, П. Гластер (Англия), О.Ф. Васильев, Н.Е. Вольцингер, Р.В. Пясковский, Л. В. Овсянников, В.М. Лятхер, А.Н. Милитеев, М.Т. Гладышев, К.В. Гришанин, И.А. Шеренков, А.Н. Милитеев (Россия), О.М.Арифжанов ва Д.Р. Базаров (Ўзбекистон) катта ҳисса қўшган. Насос станцияларнинг сув олиш

иншоотларини гидравлик иш шароитини яхшилаш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижасида сув оқимини текис тақсимланишини яратиш бўйича аванкамера конструкциялари ишлаб чиқилган (Болонья, Италия), сув олиш иншоотларини эгри чизикли аванкамера конструкцияси яратилган (Москва давлат қурилиш университети, Россия), тўғри ва тескари нишоблик аванкамерани гидравлик ҳисобининг методикаси ишлаб чиқилган, сув оқимини асосий характеристикасини аниқлаш бўйича математик моделлаштирилган (Бордо, Франция ва Москва қишлоқ хўжалик академияси, Россия).

Бугунги кунда Республикада бу йўналишда эришилган ютуқларга қарамай, ечилиши талаб қилинадиган муаммолар мавжуд, чунки аванкамерада оқимни текис тақсимланиши мавжуд ҳисоблаш усулларига аниқлик киритиш зарур, чунки сув олиш иншоотларини лойиҳалашда кутилган натижага эришилмади. Аванкамера ва сув қабул қилиш бўлинмаларида лойқа чўкишини олдини олиш шароитлари, чеккадаги насосларнинг лойиҳавий сув узатишини таъминлаш, чўкиндилардан тозалаш техникаси ва технологиясини такомиллаштириш, чўкиндилар таркиби ва миқдорини ҳисоби, шунингдек аванкамерада нотекис барқарор жараёнда меъёрий сув сатҳини таъминлаш каби муаммолар етарлича ўрганилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети Андижон филиали амалий лойиҳаларни ҚХА-7-48 “Суғориш тизими насос станцияларининг сув олиш иншоотлари иш самарадорлигини ошириш усулини ишлаб чиқиш” (2012-2014) ва ҚХА-7-054-2015 “Насос станциянинг сув олиш иншоотида лойқа чўкишга қарши янги усулини ишлаб чиқиш” (2015-2017) мавзулари лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** насос станциясининг аванкамерасида оқимни текис тақсимланишини ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш ҳисобига насос станцияларнинг эксплуатацион самарадорлигини ошириш, рационал ишлаш режимини аниқлаш бўйича илмий асосланган усуллари ва аванкамерада оқимни тақсимланишини гидравлик шароитини яхшилаш бўйича конструктив тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

насос станциянинг аванкамерасида оқимни текис тақсимланишини назарий ва амалий ҳисоблаш усулини такомиллаштириш;

насос станциянинг аванкамерасида сув оқимини текис тақсимланишини таъминлайдиган полигонал кўндаланг кесимли аванкамерани конструкцияси ишлаб чиқиш;

насос станциянинг аванкамера ва сув қабул қилиш бўлинмасида лойқа ювувчи мосламани гидравлик ҳисобини такомиллаштирилган усулини ишлаб чиқиш;

сув олиш иншоотидаги лойқа ювувчи мосламани ишлаш вақтини ҳисоблашни такомиллаштирилган усулини ишлаб чиқиш;



насос станциянинг сув қабул қилиш бўлинмасини ва насоснинг сўриш қувурини кириш диаметрини оптимал ўлчамларини аниқлаш усулини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида суғориш тизими насос станцияларининг сув олиб келувчи канал, аванкамера, сув қабул қилувчи бўлинмалар ва уларда жойлашган сўриш қувурлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** аванкамерада сув оқимини текис тақсимланиши, аванкамеранинг гидравлик ишлаш шароитлари, аванкамерада, сув қабул қилиш бўлинмада ва насоснинг сўриш қувурини кириш қисмидаги гидравлик қаршилиқлар ва аванкамерада оқимни текис тақсимланишини таъминлайдиган тадбирлар.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида насос синовлари лаборатория стендларини умумлаштирилган стандарт усулларида фойдаланилган, математик ва гидравлик моделлаштириш усуллари, экспериментал натижаларига статистик ишлов бериш ва гидромеханика қонуниятлари асосида математик моделларини яратиш усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

аванкамерада сув оқимини текис тақсимланишини таъминлаш бўйича назарий ва амалий такомиллаштирилган ҳисоблаш усули Сен-Венан тенгламаси асосида ишлаб чиқилган;

сув оқимини аванкамерада бир текис тақсимланишини ва сув қабул қилиш бўлинмаларига оқимни қулай оқиб келиш шароитини инобатга олиб полигонал кўндаланг кесимли аванкамера конструкцияси ишлаб чиқилган;

аванкамера ва сув қабул қилиш бўлинмасидаги чўкиндиларни лойқаланишини ҳисобга олган ҳолда, насос станциянинг сув олиш иншоотидаги лойқа ювувчи мосламани гидравлик ҳисоблаш усули такомиллаштирилган;

аванкамера ва сув қабул қилиш бўлинмасидаги чўкиндиларни лойқаланишини ҳисобга олган ҳолда, сув олиш иншоотидаги лойқа ювувчи мосламани ишлаш вақтини аниқлаш усули такомиллаштирилган;

насос станцияни сув қабул қилиш бўлинмасини ва насоснинг сўриш қувурини кириш диаметрини оптимал ўлчамларини аниқлаш усули оқимни киришдаги минимал гидравлик босим исрофларини ҳисобга олиш асосида ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

чеккадаги бўлинмаларга оқимни қулай киришини таъминлаш учун, аванкамерани сув сатҳи ва сув сарфини ўзгаришини ҳисобга олган насос станциянинг аванкамерасида оқимни текис тақсимланишини ҳисоблаш усули такомиллаштирилган;

бўлинмага оқимни зарбасиз киришини таъминлайдиган суғориш насос станциянинг аванкамера конструкцияси ишлаб чиқилган, босим исрофини ва сув олиш иншоотида сув уюмларини ҳосил бўлишини камайтирадиган;

берилган эркин босим қийматини ўзгармаслигини таъминлайдиган шартидан, ҳамда жиҳознинг узунлиги бўйича босим исрофини чекланишидан келиб чиқиб, лойқа ювувчи мосламани гидравлик ҳисоблаш усули такомиллаштирилган;

сув олиш иншоотидаги чўкиндиларни ювилишини ўзгариши, ҳамда жиҳоздан чиқадиган суюкликнинг ҳажми ва босимини ҳисобга олган ҳолда лойқа ювувчи мосламани ишлаш вақтини аниқлаш усули такомиллаштирилган.

сув қабул қилиш бўлинмасига ва насос агрегатининг сўриш қувурига оқимни киришдаги босим исрофини камайишини ҳисобга олган ҳолда насос станцияни сув қабул қилиш бўлинмасини ва насоснинг сўриш қувурини кириш диаметрини ўлчамларини ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий ва экспериментал изланишларини натижалари таққосланиши, гидравликанинг умумий қонунларини қўллаб ва асосий назарий нисбатларини апробация қилинган математик усулларини қўлланилиши, лойқа ювувчи мосламани лойқа ювилишини ҳисоблаш усули олинган лаборатория ва дала шароитидаги натижаларини мослиги, шунингдек бошқа тадқиқотчиларни натижалари билан таққосланиб текширилганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти суғориш тизимининг насос станцияларидаги аванкамерада сув оқимини текис тақсимланиши назариясининг ҳисоблаш усулини такомиллаштириш, сув олиш иншоотидаги лойқа ювувчи мосламани гидравлик ҳисоблаш усулини такомиллаштириш, аванкамера ва сув қабул қилиш бўлинмадаги чўкиндиларни лойқалаштириш ҳисобига, аванкамера ва сув қабул қилиш бўлинмалардаги чўкиндиларни ювилишини ҳисобга олган ҳолда сув олиш иншоотида лойқа ювувчи мосламани ишлаш вақтини ҳисоблаш усулини такомиллаштириш, ҳамда сув қабул қилиш бўлинма ва насоснинг сўриш қувурини кириш қисмини ўлчамларини ҳисоблаш усулини ишлаб чиқиш, минимал гидравлик исрофларини ҳисобга олиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини амалий аҳамияти сув олиш иншоотларини лойиҳалашда аванкамерада оқимни текис тақсимланишини таъминлаш асосида ва лойқаланган суғориш сувини узатишда оқим йўналтирувчи деворча ёрдамида чўкиндиларни ювиш, чеккадаги насосларнинг сув узатишини ортиши ҳисобига насос станциянинг ишлаш самарадорлигини ортиши, полигонал кўндаланг кесимли аванкамерани ва лойқа ювувчи мосламани қўллаш ҳисобига сув олиш иншоотида гидравлик босим исрофини камайиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Насос станциянинг сув олиш иншоотида оқимни текис тақсимланишини гидравлик ҳисоблаш усулини такомиллаштириш асосида:

полигонал кўндаланг кесимли аванкамерани такомиллаштирилган конструкцияси, оқимни текис тақсимланишини таъминлайдиган Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги “SUVLOYIHA” лойиҳалаштириш институти Фарғона вилоятида давлат унитар ташкилотида лойиҳалаш жараёнига жорий қилинган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 12 ноябрдаги №03/25-4361-сон

маълумотнома). Натижада чеккадаги насосларнинг сув узатишини ошириш имкони яратилган, ўртадаги насоснинг сув узатиш миқдorigа нисбатан 94,5% эришилган;

суғориш насос станциянинг аванкамера ва сув қабул қилиш бўлинмасидаги лойқа ювувчи мосламани гидравлик ҳисоблаш усули Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Норин-Сирдарё ирригация тизимлари хавза бошқармаси қошидаги Наманган вилояти насос станцияси ва энергетика бошқармасига қарашли “Уйчи” насос станциясида жорий қилинган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 12 ноябрдаги №03/25-4361-сон маълумотнома). Натижада чўкиндиларни ювилишига имкон яратилган ва сўриш қувурига оқимни кириш бурчагини ўзгариши ҳисобига, гидравлик қаршилиқлар камайган, насоснинг сув узатиши 5...5,5 % ва фойдали иш коэффициенти 5,9 % ортишига эришилган;

насос станциянинг аванкамера ва сув қабул қилиш бўлинмасида лойқа ювувчи мосламани ишлаш вақтини аниқлаш усули Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Норин-Қорадарё ирригация тизимлари хавза бошқармаси қошидаги Андижон вилояти насос станцияси ва энергетика бошқармасига қарашли “Кўк-гумбаз” насос станциясида жорий қилинган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 12 ноябрдаги №03/25-4361-сон маълумотнома). Натижада меъёрий ишлаш режими таъминланганлиги натижасида ресурс тежамкорликни 2,3...4,5 % ортишига эришилган;

насос станциянинг сув қабул қилиш бўлинмаларини конструктив ўлчамларини ва насос агрегатининг сўриш қувурини кириш қисмини аниқлаш усули Андижон вилоятидаги “Андижон лойиҳа қидирув экспедицияси” масъулияти чекланган жамиятида лойиҳалаш жараёнига жорий қилинган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 12 ноябрдаги №03/25-4361-сон маълумотнома). Натижада сув олиш иншоотини гидравлик характеристикасини яхшилаш, қурилиш ва эксплуатация харажатларини камайтириш ва чеккадаги насосларнинг сув узатишини 2,8...3,3 % ортишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари ҳар йили Тошкент давлат аграр университетининг Андижон филиали томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган. Тадқиқот натижалари халқаро, республика ва институт миқёсидаги анжуманларда 11 марта маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган ҳамда маъқулланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 44 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори (DSc) диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан 11 та республика ва 3 та хорижий журналларда, 11 та халқаро анжуманларда ва 1 та халқаро илмий форумда, 17 республика анжуманларда ҳамда 1 та тавсиянома чоп этилган (5 таси Scopus базасида рўйхатдан ўтган).

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация иши 200 саҳифада ёзилган бўлиб, кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида Ўзбекистонда ва жаҳонда ўтказилган тадқиқотлар асосида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган бўлиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Суғориш насос станцияларнинг сув олиш иншоотларини ҳозирги эксплуатация ҳолатини таҳлили”** деб номланган диссертациянинг биринчи бобида суғориш тизими насос станцияларининг сув олиш иншоотлари билан боғлиқ бўлган илмий-тадқиқот ишларини таҳлили келтирилган.

Ишлаб турган насос станцияларда чеккадаги сув қабул қилиш бўлинмаларига оқимни текис оқиб келиши тامينланмайди, бунинг натижасида лойқа чўкиш содир бўлади ва чеккадаги насосларнинг сув узатиши лойиҳавийдан 8...12 % камаяди. Шунинг учун аванкамерада оқимни тақсимланишини яхшилаш ва лойқа чўкишини камайтириш бўйича Ўзбекистонда ва жаҳонда тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, конструктив тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Чўкиндиларни чўкиши сув уюмлари зоналарида ҳосил бўлади ва айрим холларда чўкиндиларни ҳажми аванкамера ҳажмини 60 % ни ташкил этади. Аванкамерани чўкиндилардан тозалаш кам самарали бўлмоқда, чунки тозалангандан кейин лойқа чўкиш жараёни қайта такрорланади. Сув қабул қилиш бўлинмаларига оқимни қия “қийшиқ” кириши ҳисобига кўпинча ҳавони сўрилиши билан ҳаво уюмлари ҳосил бўлади. Ушбу ходисалар оқимни гидравлик шароитлари ва тузилишини ёмонлаштиради, бу эса насосни ишчи ғилдираги куракларига таъсир қилади, оқимни ўзгарувчанлиги таъсирида, қўшимча юкланиш ва тебранишлар пайдо бўлишига олиб келади, бунинг ҳисобига насоснинг сув узатиши камаяди, подшипникларга таъсир қиладиган кучланиш ортади.

Аванкамера билан боғлиқ муаммоларни ечиш учун, туби бўйича тескари нишобли ҳамда сув қабул қилиш бўлинмаларини фронти бўйича эгри аванкамера ишлаб чиқилган, аванкамера ва сув қабул қилиш бўлинмаларига бўйлама ва кўндаланг йўналтирувчи деворчалар ва бошқалар ўрнатилган ҳолда. Техник-иқтисодий ҳисоблар асосида аниқ конструктив тадбирларни танлаш учун катта насос станцияларнинг модель қурилмасида гидравлик тадқиқот ўтказиш тавсия қилинади.

Насос агрегатларини ишлаш шароитларини яхшилаш бўйича ўтказилган тадқиқотларни тахлили шуни кўрсатадики, насоснинг ишчи ғилдираги олдида текис циркуляциясиз тезликлар майдонини ҳосил қилиш мақсадида ҳар бир сув қабул қилиш бўлинмасига қулай текис тақсимланиши таъминлайдиган аванкамера шаклини такомиллаштириш ва сув қабул қилиш бўлинмадаги оқимни ёки сўриш қувиридаги оқимга таъсир қилиш билан масала ечилади, юқорида келтирилган тахлил асосида тадқиқот мақсади ва вазифалари белгиланди.

Диссертациянинг **"Насос станциянинг сув полигонал кесимли сув олиш иншоотини гидравлик характеристикасини назарий тадқиқотлари"** деб номланган иккинчи бобида насос станциянинг сув олиш иншоотларини гидравлик характеристикаларини аналитик тадқиқ қилиш, насос станцияларининг сув олиш иншоотларида сув оқимининг ҳаракатини математик ва сонли моделлаштиришни ишлаб чиқиш масалалари.

Очиқ оқимлар гидравликасининг амалий масалаларини ечишда Сен-Венаннинг икки ўлчамли ностационар тенгламалари нафақат равон ўзгарувчан балки узулувчан ҳосил бўладиган циркуляцион зоналари шаклланиши билан кескин ўзгарувчан оқимларни ҳам жуда яхши тасвирлаб берадиган асосий ҳақиқатни англаш ва улардан фойдаланиш ҳисобланади.

Узанинг тўсатдан кенгайиши, туби белгисини тўсатдан пасайиши, ёнбош оқим, шунингдек ажраладиган сув уюрмалари зоналарини пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлган импульс йўқотишлари тубдаги ишқаланиш натижасидаги йўқотишлар билан таққосланганда кичик ёки гидравлик ишқаланиш коэффициентида махсус усулда ҳисобга олинган.  $OXYZ$  ўнг томон декарт координата тизимини киритиб ва  $OX$  ўқини узан ўқи бўйлаб қиялик билан йўналтириб, кўриб чиқилаётган участканинг эркин сув сатхининг ўртасидаги нишоблигига тенг ва  $OXZ$  текислиги вертикал қилиб танланди. Ушбу координата тизимида қабул қилинган тахминларни ҳисобга олган ҳолда ва  $OX$  ўқининг уфққа кичик бурилишини дивергент шаклидаги бир ўлчовли математик моделнинг тенгламалари қуйидаги кўринишда бўлади:

$$\frac{\partial Q}{\partial t} + \frac{\partial}{\partial x} \cdot \left( QU + \frac{1}{2} g \int_{Y_1}^{Y_2} h^2 dy \right) = gi\omega - \lambda \cdot \frac{Q^2}{2\omega R} + F \quad (1)$$

$$\left. \frac{\partial \omega}{\partial t} \right|_{Z_1 = \text{const}} + \frac{\partial Q}{\partial x} = q \quad (2)$$

$$\frac{\partial \omega S}{\partial t} + \frac{\partial QS}{\partial x} = -K \cdot (S - S_H) \cdot \frac{\omega}{R} \quad (3)$$

$$(1-p) \cdot \left. \frac{\partial \omega}{\partial t} \right|_{\zeta = \text{const}} = -K \cdot (S - S_H) \cdot \frac{\omega}{R} \quad (4)$$

бу ерда:  $Q$  – каналдаги сув ва чўкиндилар йиғиндисининг ҳажм сарфи;

$t$  - вақт;  $U = Q/\omega$  - оқимнинг ўртача тезлиги;  $\omega$  –каналнинг жонли кесим юзаси;  $g$  - эркин тушиш тезланиши;  $y_n$  и  $y_n$  - мос равишда, чап ва ўнг қирғоқ чизиқларининг координаталари;  $h = \zeta - z_d$  - оқим чуқурлиги;  $\zeta$  - эркин сув сатҳининг белгиси;  $z_d$  – канал тубининг белгиси;  $i = \sin \alpha \approx \alpha$  - ОХ ўқининг уфққа қиялиги;  $\lambda$  - гидравлик ишқаланиш коэффиценти;  $R = \omega/\chi$  - гидравлик радиус;  $\chi$  - каналнинг намланган периметри;  $F$  - каналнинг нопризматиклиги туфайли зичликка караганда солиштирма куч;  $q$  - ён оқимнинг солиштирма сув сарфи;  $S$  - оқимдаги чўкинди заррачаларнинг ҳажм концентрацияси;  $S_n$  - заррачаларнинг мувозанат концентрацияси;  $K$  - туб ва оқим орасидаги чўкинди алмашиш интенсивлигининг коэффиценти;  $\rho$  – грунтнинг ғоваклилиги.

(1, 2, 3, 4) тенгламалар тизимини чегаравий шартлари қуйидагилар:

$$Q_n(t) = Q(x_n, t), S_n(t) = S(x_n, t), \zeta_n(t) = \zeta(x_n, t) = \zeta_n(Q(x_n, t)).$$

Тизимни ёпиш учун (1, 2, 3, 4)  $\lambda$ ,  $F$ ,  $K$ ,  $S_n$  функциялар шаклини, шунингдек канал шакли билан белгиланадиган  $R$  ва  $h$  нинг  $\omega$  билан ўзаро боғлиқлигини кўрсатиш керак.

Гидравлик ишқаланиш коэффицентини Маннинг бўйича қабул қилинди:

$$\lambda = 2gn^2 R^{-1/3} \quad (5)$$

бу ерда:  $n = n(x, h)$ – узан сирти юзасининг ғадир-будурлик коэффиценти.

Узан призматик бўлмаган ҳолда импульснинг йўқолиши қуйидагича ифодаланилди:

$$F = - \int_{y_n}^{y_n} gh \cdot \frac{\partial z_d}{\partial x} dy \quad (6)$$

$|\partial z_d / \partial y| \ll 1$  ва  $y$  битта қийматли функцияси  $z_d = z_d(x, y, t)$  деган тахмин асосида. Вертикал йўналишда чўкиндилар алмашиш интенсивлигининг коэффиценти учун қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$K = \gamma U_* \cdot \left( 1 + \frac{\beta W}{U_*} \right) \quad (7)$$

бу ерда:  $U_* = \sqrt{gnUR}^{-1/6}$  - динамик тезлик;  $W$  – грунтнинг гидравлик катталиги;  $\gamma, \beta$  - сонли коэффицентлар.

$S_n$  тўйинганлик концентрациясини аниқлаш учун физик асосга эга

Р. Бэгнольд формуласи қўлланилади, содда тузилишга эга ва дала маълумотларини таҳлил қилишда кўп "тушиб қоладиган" нуқталарни бермайдиган формуласи ишлатилган:

$$S_n = 0,4 \cdot \frac{U_*^2}{gR} \cdot \left( \frac{0,13}{\text{tg}\varphi} + 0,01 \cdot \frac{U}{W} \right) \quad (8)$$

бу ерда:  $\varphi$  - тупрокнинг сувдаги ички ишқаланиш бурчаги ( $\text{tg}\varphi \approx 0,6$ ).

Узлуксизлик тенгламаси қуйидагича аппроксимация қилинади.

$[x_i, x_{i+1}]$  кесим бўйича (2) интеграллаб, қуйидагини ҳисобга олган ҳолда:

$$\left. \frac{\partial \omega}{\partial t} \right|_{Z_d = \text{const}} = \frac{\partial \omega}{\partial \zeta} \cdot \frac{\partial \zeta}{\partial t} \quad (9)$$

Аниклиги  $\Delta_i^3$  сонлар тартиби бўйича олинган:

$$\left( \frac{\partial \omega}{\partial \zeta} \right)_{i+1/2} \cdot \frac{\partial \zeta_{i+1/2}}{\partial t} \cdot \Delta_i + Q_{i+1} - Q_i = 0$$

Вақт ҳосиласини олдинга айирма билан алмаштириб ва охириги тенгликни  $\Delta_i^3$  бўлинганда қуйидаги келиб чиқади:

$$\left( \frac{\partial \omega}{\partial \zeta} \right)_{i+1/2} \cdot \frac{\zeta_{i+1/2} - \tilde{\zeta}_{i+1/2}}{\tau} + \frac{Q_{i+1} - Q_i}{\Delta_i} = 0, \quad i = 1, \dots, N-1; \quad (10)$$

бу ерда:  $\tau$  - вақт поғонаси; " $\sim$ " - белгиси, пастки қатламдан вақт ичида олинган қийматни белгилайди.

Худди шундай,  $[x_{i-1/2}, x_{i+1/2}]$  кесим бўйича (1) интеграллаб,  $\Delta_{i-1/2} = 0,5 \cdot (\Delta_{i-1} + \Delta_i)$  бўлиниб ва вақт ҳосиласини олдиға айирма билан алмаштириб қуйидаги олинди:

$$\frac{Q_i - \tilde{Q}_i}{\tau} + Q_i \frac{U_{i+1} - U_{i-1/2}}{\Delta_{i-1/2}} + U_i \frac{Q_{i+1} - Q_{i-1/2}}{\Delta_{i-1/2}} + A_i = g i \omega_i - \left( \lambda \frac{Q^2}{\omega R} \right)_i \quad (11)$$

бу ерда:

$$\begin{aligned} U_{i+1/2} &= \frac{U_i + U_{i+1}}{2}, \quad U_{i-1/2} = \frac{U_{i-1} + U_i}{2}, \quad U_i = \frac{\tilde{Q}_i}{\tilde{\omega}_i}, \\ Q_{i+1/2} &= \frac{Q_i + Q_{i+1}}{2}, \quad Q_{i-1/2} = \frac{Q_{i-1} + Q_i}{2}, \\ \omega_i &= (\omega_{i+1/2} \cdot \Delta_{i-1} + \omega_{i-1/2} \cdot \Delta_i) / (\Delta_{i-1} - \Delta_i), \\ R_i &= (R_{i+1/2} \cdot \Delta_{i-1} + R_{i-1/2} \cdot \Delta_i) / (\Delta_{i-1} - \Delta_i). \end{aligned} \quad (12)$$

$$\begin{aligned} A_i &= g \omega_i \cdot (\zeta_{i+1/2} - \zeta_{i-1/2}) / \Delta_{i-1/2} + \Delta A_i, \\ \Delta A_i &= \frac{1}{2} g \cdot \left[ \int_{(Yn)_{i+1/2}}^{(Yn)_{i+1/2}} h_{i+1/2}^2 dy - \int_{(Yn)_i}^{(Yn)_i} h_{i+1/2}^2 dy + \int_{(Yn)_i}^{(Yn)_i} h_{i-1/2}^2 dy - \int_{(Yn)_{i-1/2}}^{(Yn)_{i-1/2}} h_{i-1/2}^2 dy \right] / \Delta_{i-1/2} \end{aligned} \quad (13)$$

$\Delta A_i$  қийматни асосий қиймат  $A_i$  билан таққослаганда кичикдир. Бу ўзгарувчан узан кенглигидан келиб чиқади. (13) тенгликлар қуйидаги ўхшашликни ўзгартириш ёрдамида олинган:

$$\begin{aligned} F &= - \int_{Yn}^{Yn} gh \frac{\partial z_{\mu}}{\partial x} dy = - \int_{Yn}^{Yn} gh \frac{\partial (\zeta - h)}{\partial x} dy = \\ &= - \frac{\partial \zeta}{\partial x} \int_{Yn}^{Yn} gh dy + g \int_{Yn}^{Yn} h \frac{\partial h}{\partial x} dy = - g \omega \frac{\partial \zeta}{\partial x} + \frac{1}{2} g \int_{Yn}^{Yn} h \frac{\partial h^2}{\partial x} dy \end{aligned}$$

(12) ва (13) дан фойдаланиб (11) қуйидаги кўринишга келтирилди:

$$\begin{aligned} & \frac{Q_i - \tilde{Q}_i}{\tau} + Q_i \frac{(U_{i+1} - U_{i-1}) + U_i \cdot (Q_{i+1} - Q_{i-1})}{\Delta_{i-1} + \Delta_i} + 2g\omega_i \frac{\zeta_{i+1/2} - \zeta_{i-1/2}}{\Delta_{i-1} + \Delta_i} + \Delta A_i = \\ & = gi\omega_i - \left( \frac{\lambda QU}{R} \right)_i \end{aligned} \quad (14)$$

$\zeta_{i+1/2}$  узликсизлик (10) тенгламасидан ифодаланди ва  $\partial\omega/\partial\zeta$  ўрнига  $0,5 \cdot (B + \tilde{B})_{i+1/2}$  қиймати олинган, бу ерда:  $B$  – каналнинг сув сатҳи бўйича эни:

$$\zeta_{i+1/2} = \tilde{\zeta}_{i+1/2} - \frac{\tau \cdot (Q_{i+1} - Q_i)}{0,5 \cdot (B + \tilde{B})_{i+1/2} \Delta_i} \quad (15)$$

Мос равишда қуйидаги ҳосил бўлади:

$$\zeta_{i-1/2} = \tilde{\zeta}_{i-1/2} - \frac{\tau \cdot (Q_i - Q_{i-1})}{0,5 \cdot (B + \tilde{B})_{i-1/2} \Delta_{i-1}} \quad (16)$$

(15) ва (16) тенгламаларини (14) қўйиб, ҳаракат тенгламасининг охириги айрима шакли қуйидаги кўринишда бўлади:

$$\begin{aligned} & \frac{Q_i - \tilde{Q}_i}{\tau} - \frac{\tilde{Q}_i}{\tau} + Q_i \frac{(U_{i+1} - U_{i-1})}{\Delta_{i-1} + \Delta_i} + Q_{i+1} \frac{U_i}{\Delta_{i-1} + \Delta_i} - Q_{i-1} \frac{U_i}{\Delta_{i-1} + \Delta_i} + 2g\omega_i \frac{\tilde{\zeta}_{i+1/2} - \tilde{\zeta}_{i-1/2}}{\Delta_{i-1} + \Delta_i} + \\ & + Q_i \frac{4g\omega_i \tau}{\Delta_{i-1} + \Delta_i} \left( \frac{1}{0,5 \cdot (B + \tilde{B})_{i+1/2} \Delta_i} + \frac{1}{0,5 \cdot (B + \tilde{B})_{i-1/2} \Delta_{i-1}} \right) - \\ & - Q_{i+1} \frac{4g\omega_i \tau}{(\Delta_{i-1} + \Delta_i) \cdot (B + \tilde{B})_{i+1/2} \Delta_i} - Q_{i-1} \frac{4g\omega_i \tau}{(\Delta_{i-1} + \Delta_i) \cdot (B + \tilde{B})_{i-1/2} \Delta_i} + \\ & + \Delta A_i = gi\omega_i - Q_i \left( \lambda \frac{U}{R} \right)_i, \quad i = 2, \dots, N-1 \end{aligned} \quad (17)$$

Қуйидаги шарт бажарилганда итерация тўхтатилади:

$$\max_i \left( \frac{|Q_i^{(r+1)} - Q_i^{(r)}|}{Q_{cp}} \right) < \varepsilon \quad (18)$$

бу ерда:  $p$  – итерация номери,  $Q_{cp} = \sum_i |Q_i|/N$ .

$\theta = \omega S$  и  $\theta_n = \omega S_n$  белгилар киритиб,  $[x_i, x_{i+1}]$  чегарасида (3) ва (4) интеграллаштириб ва вақт бўйича ҳосилани айрима билан олдиндан алмаштириб, қуйидаги олинди:

$$\begin{aligned} & \frac{\theta_{i+1/2} - \tilde{\theta}_{i+1/2}}{\tau} + \frac{\theta_{i+1} U_{i+1} - \theta_i U_i}{\Delta_i} = - \frac{K_{i+1/2}}{R_{i+1/2}} \cdot (\theta_{i+1/2} - \theta_{Hi+1/2}) \\ & (1-p) \cdot \frac{\omega_{i+1/2} - \tilde{\omega}_{i+1/2}}{\tau} \Big|_{\zeta=const} = - \frac{K_{i+1/2}}{R_{i+1/2}} \cdot (\theta_{i+1/2} - \theta_{Hi+1/2}) \\ & \theta_{i+1} = (\theta_{i+1/2} \Delta_{i+1} + \theta_{i+3/2} \Delta_i) / (\Delta_{i+1} + \Delta_i), \\ & \theta_i = (\theta_{i-1/2} \Delta_i + \theta_{i+1/2} \Delta_{i-1}) / (\Delta_{i-1} + \Delta_i), \quad \Delta_i = x_{i+1} - x_i, \quad \Delta_i = x_{i+2} - x_{i+1}. \end{aligned} \quad (19)$$



Ўзгаришлар бажарилгандан сўнг, кўчириш тенгламаси учун  $\theta_{i+1/2}$  нисбатан уч диагоналли матрицали тенгламалар тизими олинди:

$$\begin{aligned} & \frac{\tau U_{i+1}}{\Delta_i + \Delta_{i+1}} \theta_{i+3/2} + \theta_{i+1/2} \left[ 1 + \frac{\tau U_{i+1} \Delta_{i+1}}{\Delta_i \cdot (\Delta_i + \Delta_{i+1})} - \frac{\tau U_i \Delta_{i-1}}{\Delta_i \cdot (\Delta_i + \Delta_{i-1})} + \frac{K_{i+1/2} \tau}{R_{i+1/2}} \right] - \\ & - \frac{\tau U_i}{\Delta_i + \Delta_{i-1}} \theta_{i-1/2} = \tilde{\theta}_{i+1/2} + \frac{K_{i+1/2}}{R_{i+1/2}} \cdot \tau \theta_{H_{i+1/2}}, \quad i = 1, \dots, N-1. \end{aligned} \quad (20)$$

Ушбу тизим қуйидаги чегаравий шартларида ечилади:

$$\theta_{1/2} = \omega_{1/2} S_{1/2} = \theta_{1/2}(t); \quad \left( \frac{\partial \theta}{\partial x} \right)_{N-1/2} = 0 \quad (21)$$

Кейин, (19) иккинчи тенгламасидан фойдаланиб,  $\omega$  нинг қийматлари топилади.

Икки ўлчовли Сен-Венан тенгламаларининг сонли ечимига асосланган ёндашувлар узанли оқимларини моделлаштириш учун юқори самарадорлик ва етарлича аниқликни кўрсатди.

Икки ўлчовли чўкиндилар мувозанати тенгламаси (Экснер тенгламаси) кўпинча шу мақсадда ишлатилади:

$$(1-p) \frac{\partial Z_b}{\partial t} = - \frac{\partial U S_* h}{\partial x} - \frac{\partial V S_* h}{\partial y} \quad (22)$$

бу ерда:  $U$  ва  $V$  – мос равишда  $x, y$  ўқлари бўйлаб ўртача сув тезлиги векторнинг таркибий қисмлари;  $h(x, y, t)$  – оқим чуқурлиги;  $S_*(x, y, t)$  – тўйинган лойқалик.

Деформацияланадиган туби учун оқимларининг сонли ҳисоб-китоблари учун қисман ҳосилалар ва ёпилиш муносабатларида икки ўлчовли Сен-Венан тенгламалари тизими томонидан тавсифланган математик моделдан фойдаланиш тавсия этилади:

$$\frac{\partial h S}{\partial t} + \frac{\partial U S h}{\partial x} + \frac{\partial V S h}{\partial y} = -K(S - S_*) \quad (23)$$

$$(1-p) \frac{\partial Z_b}{\partial t} = K(S - S_*) + \frac{\partial}{\partial x} D \frac{\partial Z_b}{\partial x} + \frac{\partial}{\partial y} D \frac{\partial Z_b}{\partial y} \quad (24)$$

$$K = \begin{cases} \alpha U_* + (1-\alpha)W, & U_* \geq W \\ W, & U_* \leq W \end{cases} \quad 0 \leq \alpha < 1 \quad (25)$$

$$D = \beta \tilde{S} h W \quad (26)$$

$$S_* = \alpha_1 \frac{\lambda \rho}{2\rho_s} \frac{(|\vec{U}| - U_N)^2}{gh} \left( \frac{0.13}{tg \varphi} + 0.01 \frac{|\vec{U}|}{W} \right), \quad \lambda = 2gn^2 h^{-1/3} \quad (27)$$

бу ерда:  $t$  - вақт;  $h$  – каналдаги сувнинг чуқурлиги;  $U$  ва  $V$  – мос равишда  $X$  ва  $Y$  ўқлари бўйлаб оқим тезлигининг таркибий қисмлари;  
 $S$  - оқимдаги чўкинди зарраларининг ҳажм концентрацияси;  $S_*$  - ўзгарувчан Бэгнольд формуласи бўйича олинадиган заррачаларнинг мувозанат ҳажмли концентрацияси (тўйинганлик концентрацияси);  $K$  - туб ва оқим ўртасида чўкмаларнинг вертикал алмашиш интенсивлиги коэффициенти;  $p$  - тупроқ ғоваклилиги (ғовак ҳажмининг ғовакли барча тупроқ ҳажмига нисбати);  
 $\rho_s, \rho$  - мос равишда тупроқ ва сув зичлиги;  $\varphi$  - тупроқнинг ички ишқаланиш бурчаги;  $W$  - тупроқнинг гидравлик катталиги;  $U_*$  - динамик тезлик; ва  $|\bar{U}|$  и  $U_N$  - мос равишда, вертикал ўртача оқим тезлигининг модули ва силжимас тезлик;  $\lambda$  - Маннинг формуласи бўйича ҳисобланган гидравлик ишқаланиш коэффициенти;  $n$  - ғадир-будурлик коэффициенти.

Диффузия коэффицентини (7) ҳисоблашда қуйидаги учта формуладан фойдаланилган:

а) силжувчи ва муаллақ оқизикларнинг умумий мувозанат концентрацияси бўйича:

$$\tilde{S} = S_* \quad (28)$$

б) тубдаги мувозанат концентрацияси бўйича:

$$\tilde{S} = \alpha_1 \frac{\lambda \rho}{2\rho_s} \frac{(|\bar{U}| - U_N)^2 \cdot 0.13}{gh \operatorname{tg} \varphi}, \quad (29)$$

в) “квадратсиз” тубдаги концентрацияси бўйича:

$$\tilde{S} = \alpha_1 \frac{\lambda \rho}{2\rho_s} \frac{(|\bar{U}| - U_N)|\bar{U}| \cdot 0.13}{gh \operatorname{tg} \varphi}, \quad (30)$$

Дастлабки шартлар сифатида бошланғич тубининг сирти  $Z(x,y,0)$  берилган унга мос келадиган тезликнинг  $\bar{U}(x,y,0)$  майдонлари, чуқурликлар  $h(x,y,0)$  ва  $S(x,y,0)$  концентрацияси берилган.

Насос станциясининг аванкамерасида оқимни ҳаракати нотекис ва аста ўзгарувчан. Ўрнатилган нотекис реал суюқликнинг аванкамерадаги оқим чуқурлиги динамикасини аниқлаш учун Д.Бернулли тенламасидан фойдаландик. Аванкамерада босимсиз, нотекис режимли оқим ҳаракати ҳосил бўлади, у қуйидаги шартлари билан характерланади:

$$h \neq \text{const} \text{ (оқим бўйлаб)}; \quad v \neq \text{const} \text{ (оқим бўйлаб)}$$

Бернулли тенграмаси оқимни аванкамерага қиришда ва чиқишдаги кесимлари учун аванкамеранинг туби бўйича О-О текисликка нисбатан тузилган (2.1- расм):


$$h + idS + \frac{p_a}{\rho g} + \frac{\alpha v^2}{2g} = h + dh + \frac{p_a}{\rho g} + \frac{\alpha(v - dv)^2}{2g} + dh_1 \quad (31)$$

бу ерда:  $h$  - аванкамерадаги оқимнинг чуқурлиги;

$i$  - аванкамера тубининг нишоблиги;

$S$  – ҳисобий кесимлар орасидаги масофа;

$v$  - аванкамерадаги оқимни ўртача тезлиги;  
 $P_a$  - сирт босими, яъни атмосфера босими.



**2.1-расм. Насос станция аванкамерасининг ҳисобий схемаси**

Аванкамерада маҳаллий босим исрофларини йўқ деб ҳисобланса, барқарор нотекис ҳаракатида маҳаллий босим исрофлари барқарор текис ҳаракати ҳолатидаги оқим каби аниқланади:

$$h_f \approx h_l, \quad J_e = \frac{dh_l}{dS} = \frac{v^2}{C^2 R} \text{ бундан қуйидаги келиб чиқади: } dh_e = \frac{v^2 dS}{C^2 R}$$

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда Бернулли тенгламаси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$h + idS + \frac{\alpha v^2}{2g} = h + dh + \frac{\alpha v^2}{2g} - \frac{2\alpha v \cdot dv}{2g} + \frac{\alpha dv^2}{2g} + \frac{v^2 dS}{C^2 R} \quad (32)$$

Бир хил қийматларга эга баъзи параметрлар қисқартирилгандан сўнг, қуйидаги тенглама келиб чиқади:

$$idS = dh + \frac{dv^2}{g} + \frac{v^2}{C^2 R} dS \quad (33)$$

Бундан ташқари, тенгламанинг барча параметрларини  $dS$  га бўлинганди:

$$i = \frac{dh}{dS} + \frac{dv^2}{2g dS} + \frac{v^2}{C^2 R} \quad (34)$$

Тенгламага ўртача тезликнинг қийматини киритиб, у нобарқарорлик тенгламасидан  $v = Q/\omega$  қуйидагича аниқланади:

$$\frac{dv^2}{dS} = \frac{d(Q/\omega)^2}{dS} = -2 \frac{Q}{\omega^3} \frac{d\omega}{dS} \quad (35)$$

Буни ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги ҳосил бўлади:

$$i = \frac{dh}{dS} - \frac{\alpha Q^2}{\omega^3 g} \frac{d\omega}{dS} + \frac{Q^2}{\omega^2 C^2 R} \quad (36)$$

Аванкамеранинг узунлиги бўйича кенгайишини ҳисобга олиб  $\omega = f(h, S)$ , дифференциалнинг кўриниши қуйидагича:

$$\frac{d\omega}{ds} = \left( \frac{\partial\omega}{\partial l} \frac{dl}{\partial s} + \frac{\partial\omega}{\partial h} \frac{\partial h}{\partial l} \right) = \left( \frac{\partial\omega}{\partial s} \frac{dl}{\partial s} + B \frac{\partial h}{\partial s} \right) \quad (37)$$

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, тенглама қуйидаги кўриниш эга:

$$i - \frac{dh}{ds} = -\frac{\alpha Q^2}{g} \frac{1}{\omega^3} \frac{\partial\omega}{\partial h} \frac{dh}{\partial s} - \frac{\alpha Q^2}{g} \frac{1}{\omega^3} \frac{\partial\omega}{\partial S} \frac{\partial S}{\partial s} + \frac{Q^2}{\omega^2 C^2 R} \quad (38)$$

$$i - \frac{Q^2}{\omega^2 C^2 R} + \frac{\alpha Q^2}{g} \frac{1}{\omega^3} \frac{\partial\omega}{\partial S} \frac{\partial S}{\partial s} = i - \frac{Q^2}{\omega^2 C^2 R} \left( 1 - \frac{\alpha C^2 R}{g\omega} \frac{\partial\omega}{\partial S} \frac{\partial S}{\partial s} \right) = \frac{dh}{ds} \left( 1 - \frac{\alpha Q^2}{g} \frac{1}{\omega^3} B \right) \quad (39)$$

бу ерда:  $\frac{\partial\omega}{\partial h} = B$

$\frac{\partial h}{\partial S}$  нисбатан тенгламанинг ечими амалга оширилади, бунинг натижасида, насос станциясининг аванкамерасидаги оқим чуқурлиги динамикасини аниқлаш имконини берувчи тенгламани кўриниши қуйидагича:

$$\frac{dh}{ds} = \frac{i - \frac{Q^2}{\omega^2 C^2 R} \left( 1 - \frac{\alpha C^2 R}{g\omega} \frac{\partial\omega}{\partial S} \frac{\partial S}{\partial s} \right)}{1 - \frac{\alpha Q^2}{g} \frac{B}{\omega^3}} \quad (40)$$

Амалий масалаларни ечиш учун мураккаб гипотезаларни талаб қилмайдиган, аммо бўлинмада оқимни текис тақсимланишини моделлаштиришга имкон берадиган оддий тенгламаларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Таққослаш ишлари бажарилиб назарий ва тажриба натижалари билан яхши мос келишини кўрсатди.

Диссертациянинг **"Насос станцияларининг сув олиш иншоотларини экспериментал тадқиқот қилиш"** деб номланган учинчи бобида насос станциянинг аванкамерасини гидравлик жараёнини моделлаштириш шартлари, тажриба ўтказиш учун экспериментал қурилмаси ва тадқиқот методологияси келтирилган ҳамда аванкамера, сув қабул қилиш бўлинмаси ва сўриш қувурларни гидравлик ишлаш режимини тадқиқотлари бажарилган.

Аванкамеранинг гидравлик иш режимини тадқиқотлари насос агрегатлари сони аралаш бир вақтда ишлаётган насос агрегатлари учун бажарилган.

Транзит оқимнинг аста-секин кенгайиб боришига қарамай, аванкамеранинг жонли кесим юзасидан фойдаланиши кичик бир қисмини ташкил этади. Биринчи вариантга кўра, 5 насос ишлаган ҳолат учун дастлаб транзит оқим 100% бутун кесимни эгаллайди, ундан кейин транзит оқим эгаллаган 42,3% гача пасаяди ва солиштирма вазни аванкамеранинг охирида у 52,7% ни ташкил қилади.

Транзит оқим эгаллаган майдон камаяди, бир вақтнинг ўзида ишлайдиган насослар ўчирилганда, ва битта насос ишлаганда қуйидаги майдон 32,3% гача камаяди, бу эса сув уюрмаларини кенгайишига олиб келади.

2-вариант бўйича 5 насос ишлаганда транзит оқимни юзасини минимал қийматини 59,7% ташкил қилади, бу эса 1 вариантга нисбатан 17,4% га кўпдир. Ушбу ҳолат ишлайдиган насослар сони ўзгаргандаги режимлар учун ҳам кузатилади.

Транзит оқимнинг кенгайиш даражаси ёки оқим тезлигининг камайиш даражаси қанча кичик ва кенгайиш зонаси қисқа бўлса транзит оқимда лойқа чўкиши шунча кам бўлади. 1 вариант бўйича тажрибалар ўтказилганда, 5 та насос бир вақтнинг ўзида ишлаганда, ўртадаги 3 насоснинг сув узатиши 0,0051 м<sup>3</sup>/с, 2 ва 4 насосларники мос равишда 0,0046 ва 0,0045 м<sup>3</sup>/с ҳамда 1 ва 5 насослар учун мос равишда 0,00414 м<sup>3</sup>/с ва 0,00421 м<sup>3</sup>/с. Оқимни бир текис тақсимланишини бузилиши аванкамерада сув уюрмаларини ҳосил бўлиши ва сув қабул қилиш бўлинмаларига оқимнинг кириш бурчагини ортиши ҳисобига сўриш қувурнинг кириш қисмини олдида оқимда кўндаланг циркуляция ҳосил бўлишига сабаб содир бўлади, бу эса гидравлик қаршиликларни ортишига олиб келади. Шунинг учун 3 насос билан таққослаганда, 1 ва 5 насосларни сув хайдаши 18,8 ... 17,4% га ва 4 ва 2 насосларда 11,7 ... 9,8% камайганлиги кузатилди.

Иккинчи вариант бўйича ўртадаги насоснинг сув хайдаши унча ўзгармайди 0,0051 м<sup>3</sup>/с, 2 ва 4 насосларда мос равишда 0,00483 м<sup>3</sup>/с ва 0,00485 м<sup>3</sup>/с, 1 ва 5 насосларда мос равишда 0,00462 ва 0,00467 м<sup>3</sup>/с. Демак, 1 ва 5 насосларда 9,3 ... 8,4 %, 2 ва 4 насосларда 5,3 ... 4,9 % ўртадаги 3 насосга таққослаганда сув узатиши камайган.

1 ва 2 вариантдаги аванкамералар таққосланганда, 2 вариантда чеккадаги насосларнинг сув узатиши 1,8 баровар ёки 1 вариантга нисбатан насосларни сув узатиши 5,3 ... 6,5% кўпроқ. Демак, аванкамеранинг 2-вариантида, сув уюрмалари зоналари юзасини камайиши ҳисобига транзит оқим ҳажми ортади ва бу оқимни сув қабул қилиш бўлинмаларига текис тақсимланишини яхшилайдди.

Лаборатория тадқиқотлари натижалари шуни кўрсатдики, насослар биргаликда ишлаганда, ўрта ва чеккадаги насосларнинг сув қабул қилиш бўлинмаларининг гидравлик ишлаш шароитлари турлича.

Сув олиш иншоотдаги босим исрофи  $h_{ав}$  аванкамерадаги, сув қабул қилиш бўлинмага  $h_{куп}$  тўғри киришда, бўлинмага “қийшиқ” киришда  $h_{бур}$  ва сув қабул қилиш бўлинмани узунлиги бўйича босимлар йиғиндисидан ташкил топади  $h_{l,кам}$ :

$$\Sigma h = h_{ав} + h_{куп} + h_{бур} + h_{l,бўл} \quad (41)$$

(41) формуладаги ҳар бир ташкил қилувчи алоҳида кўриб чиқилади. Аванкамерадаги босим исрофи оқимнинг кенгайишидаги ва узунлик бўйича босим исрофини йиғиндисидан аниқланади:

$$h_{ав} = h_{кен} + h_{l,ав} \quad (42)$$

бу ерда:  $h_{кен}$  - аванкамерада оқимни кенгайиши бўйича босим исрофи;  $h_{l,ав}$  - аванкамерани узунлиги бўйича босим исрофи.

Сув қабул қилиш бўлинмасига тўғри киришдаги босим исрофи:

$$h_{\text{кур}} = \xi_{\text{кур}}^1 \cdot \frac{V_{\text{бўл}}^2}{2g} \quad (43)$$

Сув қабул қилиш бўлинмасига оқимни қия “қийшиқ” киришдаги босим исрофи куйидагича ҳисобланади:

$$h_{\text{бўл}} = \frac{V_{\text{бўл}}^2 \cdot \text{tg}^2 \theta^0}{2g} \quad (44)$$

Бурилишдаги босим  $h_{\text{бур}}$  исрофини тезлик босимига нисбати қаршилик коэффициентига мос келади:

$$h_{\text{бур}} = \xi_{\text{бур}}^1 \cdot \frac{V_{\text{бўл}}^2}{2g} \quad (45)$$

5 насослар бир вақтда ишлаганда, аванкамера ва сув қабул қилиш бўлинмаларнинг қаршилик коэффициентларини йиғиндиси чеккадаги бўлинмалар учун  $\sum \xi_{\text{чек.ум}} = 1,07$  ва марказий бўлинма учун  $\sum \xi_{\text{ўр.ум}} = 0,064$ , куйидаги қаршилик коэффициентларнинг нисбати 16,7 га тенг ва умумий қаршилик коэффициенти  $\sum \xi_{\text{ум}} = 0,567$  га тенг. 1-вариант бўйича ишлайдиган 2 (1 + 2) насослар учун, чеккадаги бўлинмалар  $\sum \xi_{\text{чек.ум}} = 0,99$ , ўртадаги бўлинма учун  $\sum \xi_{\text{ум}} = 0,62$ : уларнинг нисбати 3,96 ва умумий қаршилик коэффициенти  $\sum \xi_{\text{ум}} = 0,62$ . Чеккадаги насос ишлаганда умумий қаршилик коэффициенти  $\sum \xi_{\text{чек.ум}} = 0,98$  ва марказий битта насос ишлаганда  $\sum \xi_{\text{ўр.ум}} = 0,51$  (3.1-расм).

Аванкамеранинг 2-варианти бўйича бир вақтнинг ўзида 5 насос ишлаганда чеккадаги бўлинмалар учун умумий қаршилик коэффициенти  $\sum \xi_{\text{чек.ум}} = 0,78$  ва ўрта бўлинма учун  $\sum \xi_{\text{ўр.ум}} = 0,162$ , уларнинг нисбати мос равишда 4,81 ва умумий қаршилик коэффициентининг йиғиндисини жами  $\sum \xi_{\text{ум}} = 0,471$  тенг.

1-вариантдаги аванкамерани 2 вариантдаги билан таққосланганда  $\sum \xi_{\text{чек.ум}}$  камаяди, аммо  $\sum \xi_{\text{ўр.ум}}$  ортади, умумий қаршилик коэффициенти  $\sum \xi_{\text{ум}} 0,096$  га камаяди, яъни 17 %. Ўрта ва чеккадаги бўлинмаларни қаршилик коэффициентини фарқи анча камаяди.


2 (1 + 2) насослар ишлаганда чеккадаги бўлинманинг умумий қаршилик коэффициентини йиғиндиси  $\sum \xi_{\text{чек.ум}} = 0,783$  ва ўртадаги бўлинманики  $\sum \xi_{\text{ўр.ум}} = 0,41$ , уларнинг нисбати 1,9 ва  $\sum \xi_{\text{ум}} = 0,563$  ташкил қилади.

1 вариантдаги аванкамера билан таққосланганда  $\sum \xi_{\text{чек.ум}}$  камаяди,  $\sum \xi_{\text{ўр.ум}}$  ортади, ҳамда умумий қаршилик коэффициенти 0,047 га ёки 8,1% га камаяди.

Шунингдек чеккадаги ва ўртадаги бўлинмалар орасидаги қаршилик коэффициентлар фарқи камайди. Аванкамерани 2 вариантыда чеккадаги битта насос ишлаганда умумий қаршилик коэффициенти 0,87 тенг, аванкамерани 1-вариантга нисбатан 0,11 га ёки 11,2% кам. Ўртадаги насос агрегати ишлаганда умумий қаршилик коэффициенти 0,63 тенг, 1 вариант билан таққосланганда 0,12 ортиқ (3.1-расм).

Бундан келиб чиқадики, насос станциянинг барча иш режимларида сув қабул қилиш бўлинмаларини эни кичайтирилганда аванкамера ва сув қабул қилиш бўлинмаларида гидравлик қаршиликларни камайишига олиб келади.


Аванкамеранинг биринчи варианты бўйича ҳисобий қаршилик коэффицентининг йиғиндисининг умумий қиймати  $\sum \xi_{ум} = 0,52$ , тадқиқот натижалари билан фарқи 0,567 ташкил этди, бу 8,1% ташкил этди, аванкамерани 2 варианты бўйича ҳисобий қиймати  $\sum \xi_{ум} = 0,412$ , тадқиқот натижалари 0,451 фарқи 8,6% ташкил этди.



**3.1-расм. 1 ва 2-вариант бўйича турли сондаги насослар ишлагандаги чеккадаги бўлинмалар учун қаршилик коэффицентлари**

Насос станцияларининг турли иш режимларида сув қабул қилиш бўлинмаларига кириши тўғри киришдагидан фарқ қилади. Насос агрегатларининг биргаликдаги ишлаш режимида, чеккадаги бўлинмаларга оқимнинг “қийшиқ” кириши ўртадаги бўлинмага нисбатан кўп, бу чеккадаги бўлинмаларга босим исрофини ортишига олиб келади.

Сув қабул қилиш бўлинмани ўлчамларини аниқлаш учун насоснинг сўриш қувурининг кириш қисмини шакли ва ўлчамларини аниқлаш талаб қилинади.



**3.2-расм.  $\xi_{тр}$  қаршилик коэффицентини  $\beta=3; 5; 7; 10$  тенг бўлганда  $K$  конуслик билан боғланиши**

$k$  ва  $\beta$  боғлиқ ҳамда  $\chi = const$  бўлганда Н.А.Грецов тавсия қилган қаршилик коэффицентини аниқлаш формуласидан фойдаланилади:

$$\xi_{кон} = \left[ \frac{2}{k} - \frac{\beta^2}{k(\beta - 0,294(\sqrt{k} - 1))^2} \right]^2 + \chi \frac{\sqrt{k+1}}{2} \sqrt{0,25(\sqrt{k}-1)^2 + \beta^2} \quad (46)$$

бу ерда: 
$$K = \left( \frac{D_{кур}}{d} \right)^2 = \frac{\omega_{кур}}{\omega_{чик}} ; \beta = \frac{\ell_{кон}}{d}$$

$\lambda$  – узунлик бўйича ишқаланиш коэффицентини.

(46) формуладан фойдаланишда қулай бўлиши учун 3.2 расмда  $\chi = 0,017$  тенглигида  $\xi_{кон} = f(k, \beta)$  графиги келтирилган. Темирли конфузорлар учун  $\chi$  коэффицентини 0,011...0,020 чегарасида қабул қилиш тавсия қилинади.

Сув қабул қилиш бўлинма энини  $b_{бўл} = 2D_{кур}$  дан  $1,2D_{кур}$  гача камайиши, чеккадаги бўлинмаларнинг босим исрофини 1,8 марта камайишига олиб келади, бу эса ўртадаги ва чеккадаги бўлинмаларни иш шароитларини яқинлаштиради.

Диссертациянинг **“Насос станцияларнинг сув олиш иншоотларини рационал конструкциясини ишлаб чиқиш”** деб номланган тўртинчи бобида ишлаётган насос станцияларнинг тадқиқот натижалари, сув қабул қилиш бўлинмадаги ўрнатилган оқим йўналтирувчи деворча ва лойқа ювувчи мосламани тадқиқот натижалари, лойқа ювувчи мосламани гидравлик ҳисоблаш ва сув олиш иншоотидаги лойқа ювувчи мосламани ишлаш вақтини аниқлаш усуллари келтирилган.


Насоснинг параметрик синовларини ўтказишдан мақсад, оқим йўналтирувчи деворчани лойқа ювувчи мосламани қўллаш ҳисобига насос агрегатини гидравлик ишлаш шароитини яхшилашдаги самарадорлигини аниқлаш, насоснинг ишчи характеристикасини қуриш билан унинг завод характеристикаси билан таққослаш. Лаборатория шароитида насос станция модели қурилмасида экспериментлар оқим йўналтирувчи деворча  $\mathcal{L} = 0, 30, 45^\circ$  ўрнатилган бурчакларда ўтказилди (4.1, 4.2, 4.3-расмлар).

Насос станцияда Д2000-34 русумли иккита насос агрегатлари ўрнатилган (18НДс  $n=750$  айл/мин) минимал сўриш баландлиги  $h_s = 0,5$  м. Сув қабул қилиш бўлинманинг ўлчамлари синаш учун, қуйидагича қабул қилинган:  $B_{бўл} = 1,65D_{кур}$ ;  $L_{бўл} = 6,5D_{кур}$ ;  $h_1 = 0,6D_{кур}$ ;  $h_2 = 0,725D_{кур}$ ;  $L_0 = 2,5D_{кур}$ ;  $\varphi = 27^\circ$ ;  $D_{кур} = 0,6$  м бу бўлинма узунлиги 4 м, эни 1 м, баландлиги 2 м тўғри келади. Тадқиқотлар учта вариант бўйича олиб борилган: 1 вариант – лойқа чўкканда, 2 вариант- бўлинма лойқадан ювилгандан кейин, 3 вариант-



бўлинмага оқим йўналтирувчи деворча ва лойқа ювувчи мослама ўртатилганда.


Насоснинг  $H = f(Q)$  ва қувурнинг  $H_{mp} = f(Q)$  гидродинамик характеристикасига насоснинг сув узатишини ўзгариши боғлиқлиги аниқланди, бу оқимдаги кўндаланг циркуляцияни ўзгариши ҳисобига содир бўлади.




**4.1-расм. Оқим йўналтирувчи деворча ва лойқа ювувчи мосламали сув қабул қилиш бўлинмаси**

Сув қабул қилиш бўлинмада оқим йўналтирувчи деворча ва лойқа ювувчи мосламани қўллаш ҳисобига чўккан лойқалар ювилади, оқимни сўриш қувурига киришдаги гидравлик қаршиликлар камаяди, шунинг учун насоснинг сув узатиши 424 л/с дан 476 л/с ортади, яъни 52 л/с ортди (4.2-расм).

Лойқа чўккан бўлинма учун  $\xi$  қаршилик коэффиценти  $\xi=0,61$  ташкил қилди, лойқа ювилиши ҳисобига  $\xi=0,491$  тенг. Бўлинмага оқим йўналтирувчи деворчани лойқа ювувчи мослама билан ўрнатилганда сўриш қувурнинг қаршилик коэффиценти намунавий бўлинмага нисбатан 42,6 % камайди, лойқа чўккан бўлинмага нисбатан 55,3 %.



**4.2-расм. Д2000-34 (18НДс n=750 айл/мин) насоснинг лойихавий ишлаш режимини дала синов натижалари билан таққослаш:  $H, N, H_{вак}^{юс}$ ,  $\eta$ - завод характеристикаси бўйича босим, қувват, рухсат этилган сўриш баландлиги ва ФИК;  $H_{mp}$  – синов вақтидаги насоснинг ҳақиқий босим характеристикаси;  $H_{mp}$  – қувурнинг гидродинамик эгри чизиги:  $A$  – насоснинг лойихавий ишчи нуқтаси;  $B$  – сув қабул қилиш бўлинмасига лойқа чўккандаги насоснинг ишчи нуқтаси;  $C$  – оқим йўналтирувчи деворча ва лойқа ювувчи мосламани сув қабул қилиш бўлинмасига ўрнатилганда насоснинг ишчи нуқтаси.**



**4.3 – расм. Д2000-34 (18НДс n=750 айл/мин) насоснинг сув узатишини сўриш қувурини қаршилиқ коэффициентига боғланиш графиги: 1 – лойқа чўкканда; 2 - бўлинма лойқадан ювилгандан кейи; 3 - бўлинмага оқим йўналтирувчи деворча ва лойқа ювувчи мослама ўрнатилганда**

Ишлаб чиқилган сув қабул қилиш бўлинма оқим йўналтирувчи деворча ва лойқа ювувчи мослама билан жиҳозланганда, дала тадқиқотлари натижаларига кўра насоснинг ФИК ортиши аниқланди:

$$\Delta\eta = \eta_2 - \eta_1 = 9,81 \left( \frac{Q_2 H_2}{N_2} - \frac{Q_1 H_1}{N_1} \right) \cdot 100 = 9,81 \left( \frac{0,476 \cdot 34,5}{200} - \frac{0,424 \cdot 33}{184} \right) \cdot 100 = 5,9\%$$

бу ерда:  $Q_1$  ва  $Q_2$ ,  $H_1$  ва  $H_2$  - насоснинг мос равишда сув узатиши ва босими, бўлинмага оқим йўналтирувчи деворча ва лойқа ювувчи мосламани ўрнатишдан олдин ва кейин;

$N_1$  ва  $N_2$  - истеъмол қилинаётган қувват, намунавий ва ишлаб чиқилган бўлинма конструкцияси учун.

Лаборатория ва дала тадқиқот натижалари яхши мос келишини кўрсатди, ишлаб чиқилган конструкция бўйича насоснинг ФИК 5,9 % ва сув узатиши намунавий бўлинмага нисбатан 12,2 % ортди.

Оқим йўналтирувчи деворчани мавжудлиги оқимда кўндаланг циркуляцияга йўл қўймайди, ҳамда алохида циркуляцион оқимларни ювилиб кетишига ва оқим йўналтирувчи деворчадан кейинги тезликларни тенглаштиришга имкон яратади.

Аванкамера ва сув қабул қилиш бўлинмадаги чўккан лойқаларни лойқалаштириш вақтини аниқлаш, суюқлик билан тўлган муҳитга тирқишдан суюқликни оқиш назарияси асосида ишлаб чиқилган.

Сув олиш иншоотини юзаси туби бўйича қуйидаги тенглама бўйича ҳисобланади:

$$\omega_{с.и.} = n_{бўл} \cdot \omega_{бўл} + \omega_{ав} \quad (47)$$

бу ерда:  $n_{бўл}$  - сув қабул қилиш бўлинмалар сони;  $\omega_{бўл}$  - битта сув қабул қилиш бўлинмани юзаси;

$\omega_{ав}$  - аванкамера юзаси.

Сув олиш иншооти учун лойқа ювувчи мосламадаги тешикчалар сони қуйидаги нисбатдан ҳисобланади.

$$n_{тир} = \frac{\omega_{сув.ол.ин.}}{\omega_{оқим}} \quad (48)$$

бу ерда:  $\omega_{сув.ол.ин.}$  - сув олиш иншоотининг юзаси;  $\omega_{оқим}$  - оқимчаларнинг таъсир қиладиган юзаси.

Оқим сиртнинг баландлиги  $t$  вақт давомида  $y$  тенг, ҳамда оқим текис сиртининг  $S(y)$  юзаси ва  $\Delta t$  вақт ичида суюқлик сатҳи  $\Delta y$  қийматга ортади деб ҳисобланганда фараз қилинади.

$y = h + h_{чўк}$  қийматида чўқиндилар лойқалашади ва шу ҳолатга етиб келиши вақти қуйидаги тенгламадан аниқланади:


$$t = \frac{\frac{2}{5} \pi (6,8a)^2 \left( y^{\frac{5}{2}} - h^{\frac{5}{2}} \right)}{\mu \omega (2g)^{\frac{1}{2}}} \quad (49)$$

Насос станциянинг сув олиш иншоотига (49) қўллаш ҳисобига лойқа ювувчи мосламани ишлаш вақтини аниқлаш мумкин, бу эса ёрдамчи насос ишлаш учун кетган электр энергия миқдорини камайтиришга ва сув олиш иншоотини лойқадан тозалашга ва бунинг ҳисобига эксплуатация харажатларини камайишига имкон яратади.

Диссертациянинг “Полигонал кесим юзали аванкамерани гидравлик ишлаш режимини тадқиқоти” деб номланган бешинчи бобида полигонал кесим юзали аванкамерани гидравлик ишлаш режими, улардаги гидравлик қаршиликлар ва ишлаб чиқилган конструкцияни техник-иқтисодий самарадорлиги асосланган.

Аванкамерани туб қисмидаги оқимни фаоллаштириш ва сув қабул қилиш бўлинмаларига тенг тақсимланиши ҳамда унга кириш бурчагини камайтириш мақсадида сув олиш иншоотининг янги полигонал кесим юзали конструкцияси ишлаб чиқилган (5.1, 5.2, 5.3- расмлар).


Ўртадаги 3-бўлинмага борувчи аванкамера тубининг бўйлама нишоблиги  $i=0,1$ , уни икки ёнидаги 2 ва 4-бўлинмаларга канал тубини боғланиш бўйлама нишоблиги  $0,15$ , чеккадаги 1 ва 5- бўлинмаларга канал тубини боғланиш бўйлама нишоблиги  $0,2$  қабул қилинган.




**5.1-расм. Полигонал кесим юзали аванкамеранинг режаси**

Бундан ташқари ҳар бир бўйлама туби кўндаланг нишобликка эга яъни ўртадаги 3-бўлинмани кўндаланг нишоблиги  $i_k=0$ , ўнг томонидаги 1 ва 2-бўлинмаларни кўндаланг нишоблиги чап томонга  $i_k=0,1$ , чап томонидаги 4 ва 5 бўлинмаларни кўндаланг нишоблиги  $i_k=0,1$  тенг. Аванкамерани пландаги кенгайиш бурчаги  $\alpha=35^\circ$  ва сув қабул қилиш бўлинмани эни  $v_{бўл} = 1,2D_{кур}$  тенг қилиб қабул қилинган.


А – А қирқими



В – В қирқими




С – С қирқими



5.2-расм. Полигонал кесим юзали аванкамеранинг бўйлама кесимлари


3 – 3 кесим



5.3-расм. Полигонал кесим юзали аванкамерани кўндаланг кесими

Олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатдики 5 та насослар ишлаган ҳолда 3-вариантда чекка бўлинманинг умумий қаршилик коэффициенти  $\Sigma \xi_{ум,ч} = 0,567$  ва 2-вариантда эса  $\Sigma \xi_{ум,ч} = 0,7$  га тенг яъни қаршилик коэффицентини камайиши  $\Delta \Sigma \xi_{ум,ч} = 0,139$  ни ташкил этди. Ўрта бўлинмада 3-вариантда  $\Sigma \xi_{ум,ўр} = 0,16$  ва 2-вариантда  $\Sigma \xi_{ум,ўр} = 0,158$  яъни ўзгариши сезиларли эмас.


Қаршилик коэффициенти йиғиндиси  $\Sigma \xi_{ум} = 0,363$  3-вариантда ва  $\Sigma \xi_{ум} = 0,429$  2-вариантда, камайиши  $\Delta \Sigma \xi_{ум} = 0,066$  га тенг (5.4-расм).



**5.4-расм. Ишлаётган насослар сонига қараб аванкамеранинг қаршилик коэффицентлари**

Қаршилик коэффиценти яъни босим исрофларини аванкамера- бўлинма участкасида камайиши асосан чеккадаги бўлинмаларга оқимни кириш ҳолати яхшиланиши ҳисобига бўлади.

Оқимни ҳам режада, ҳам вертикал кенгайиши аванкамера тубидаги оқимни фаоллаштиради, транзит оқимни кенгайиш даражаси ва тезликни пасайиш даражасини камайтиради ва унда лойқа чўкишига қаршилик кўрсатади. Тажрибалар ўтказиш давомида насосларнинг сув узатиши ва босимлари ўлчанган. 5 та насос баробар ишлаганда, ўртадаги 3-насосни сув узатиши  $0,0051 \text{ м}^3/\text{с}$ , 2 ва 4-насосларда  $0,00498...0,00504 \text{ м}^3/\text{с}$ , 1 ва 5- насосларда  $0,00478$  ва  $0,00481 \text{ м}^3/\text{с}$  тенглиги аниқланди (5.5-расм).



**5.5-расм. Сув қабул қилиш бўлинмани жойланишига қараб 2К-15/20 насоснинг характеристикаси**

Демак аванкамерадаги оқимни сув қабул қилиш бўлинмаларининг тубидан киришдаги оқимни тенг тақсимланиши ва киришдан бурилиш

бурчагини камайиши ҳисобига сўриш қувур кириш қисмини олдида оқимдаги кўндаланг циркуляция йўқолиб, оқимни тарқалиш тезлиги тенглашади ва гидравлик қаршилиқлар камаяди. Шу сабабли 3-насосни сув узатиши ўзгармайди, лекин 1 ва 5 насослар 3-насосга нисбатан 5,7...6,3 % 2 ва 4 насослар эса, 1,2...2,4 % кам сув узатади. Учинчи вариантда чеккадаги 1 ва 5 насосларнинг сув узатиши иккинчи вариантга нисбатан 4,9...6,3 % , биринчи вариантга нисбатан 9,4...10,3 % ортади.

Ишлаб чиқилган полигонал кўндаланг кесимли аванкамерада сув уюрма зоналарини бўлинмага кириш бурчагини камайиши ва тубидан кириш ҳисобига циркуляцион жараён камаяди, бунинг натижасида чеккадаги насосларнинг сув узатиши ўртадаги насоснинг сув узатишига яқинлашади ва ўртадаги насоснинг 94,5 % ташкил қилади.

Насос станцияларни бўлинмаларни сув олиш иншоотларини мавжуд ва ишлаб чиқилган аванкамерани конструкцияси таққосланганда, мавжуд Д12500-24(48Д-22) насослар билан жиҳозланган тўққиз агрегатли “Оби-Ҳаёт” НС таъкомиллашган аванкамерани конструкцияси қўлланилиши ҳисобига, кутилаётган йиллик иқтисодий самара 26,07 млн. сўмни ташкил қилди.

## ХУЛОСАЛАР

«Насос станцияларининг ўзгарувчан поғонали сув узатишида оқим тақсимланишини мақбуллаштирувчи аванкамеранинг назарий ва амалий ҳисоблаш усуллари» мавзусидаги докторлик (DSc) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Аванкамерани катта ўлчамларда бўлиши унда катта ўлчамдаги сув уюрмалари ҳосил бўлишига ва лойқа чўкишига олиб келади. Бу жараён насос станциянинг барча иш режимларида, айниқса насосларнинг бир қисми тўхтаб турган ҳолатда кенг намоён бўлади. Аванкамерани ўлчамлари энг аввало сув қабул қилиш бўлинмалари эни ўлчамлари  $b_{бўл}$ , аванкамеранинг кенгайиш бурчаги  $\alpha^\circ$  ва сўриш қувурнинг кириш қисмини сувга ботирилган баландлиги  $h_2$  билан аниқланади.

2. Сув қабул қилиш бўлинма эни  $b_{бўл} = 2D_{куп}$  дан  $1,2D_{куп}$  гача камайганда, сув олиш fronti узунлиги  $B_{фр}$  ва аванкамерани узунлиги тахминан 2 маротабага ва сув уюрмалари ҳажми 2,5...3 марта қисқаради. Бу ўз навбатида лойқа чўкиш даражасини камайтириш имкониятини беради.

3. Сув олиш иншооти ўлчамларини камайиши сув қабул қилиш бўлинмаларига оқимни кириш шароитини ҳамда сўриш қувурдаги босим исрофини ўзгартиради. Бўлинма эни  $b_{бўл} = 2D_{куп}$  дан  $1,2D_{куп}$  гача ўзгариши, бўлинмага оқимни кириш шароитини яхшилайти, бўлинмага оқимни қия “қийшиқ” кириш ҳисобига ҳосил бўладиган сув уюрма зоналари ва чеккадаги бўлинмаларда босим исрофлари камаяди, бу эса чеккадаги бўлинмаларни ишлаш шароитлари мувозанатлаштиради.

4. Олинган экспериментал тадқиқотлар натижалари асосида полигонал кўндаланг кесимли аванкамерани гидравлик ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган.

5. Полигонал кесим юзаси сув олиш иншооти қўлланганда, оқимни барча бўлинмаларга тўғри зарбасиз тубидан кириши таъминланади, босим исрофи камаяди ва оқимни “қийшиқ” киришидаги сув уюрмалари ҳосил бўлишини олди олинади.

6. Полигонал кесим юзаси сув олиш ишоотини лойиҳалашда кўп миқдорли чўкинди бўлган суғориш сувини узатишда қуйидаги ўлчамларни қабул қилиш тавсия қилинади:

а) сувни сўриш қувурига кириш тезлиги  $0,8...1\text{ м/с}$  бўлганда, сув қабул қилиш бўлинмани эни  $v_{\text{бўл}} = (1,1...1,2)D_{\text{қур}}$ ;

б) сўриш қувури кириш қисмини сув сатҳидан минимал ботирилиш чуқурлиги  $h_2 = 0,6D_{\text{қур}}$ ;

в) сув келтириш каналдаги оқим тезлиги  $0,7...1,0\text{ м/с}$  бўлганда аванкамерани марказий кенгайиш конуслик бурчаги  $\alpha = 35...45^\circ$ ;

г) ўртадаги 3-бўлинмага борувчи аванкамера тубининг бўйлама нишоблиги  $i=0,1$ , уни икки ёнидаги 2 ва 4-бўлинмаларга канал тубини боғланиш бўйлама нишоблиги  $0,15$ , чеккадаги 1 ва 5- бўлинмаларга канал тубини боғланиш бўйлама нишоблиги  $0,2$  қабул қилинган, бундан ташқари ўртадаги 3-бўлинмани кўндаланг нишоблиги  $i_k=0$ , ўнг томонидаги 1 ва 2- бўлинмаларни кўндаланг нишоблиги чап томонга  $i_k=0,1$ , чап томонидаги 4 ва 5 бўлинмаларни кўндаланг нишоблиги  $i_k=0,1$  тенг.

7. Таклиф этилаётган полигонал кесим юзаси сув олиш иншоотининг аванкамерасида сув уюрмалари ҳосил бўлиши қисқариши, бўлинмаларга оқимни кириш бурчагини камайиши ва тубидан кириши натижасида унда циркуляция ҳосил бўлиш жараёнини пасайиши сабабли чеккадаги насосларнинг сув узатиш миқдори ўртадаги насоснинг сув узатишига яқинлашади ва ўртадаги насоснинг сув узатиш миқдорини  $94,5\%$  ташкил этади.

8. Иккинчи вариант билан таққосланганда, чеккадаги насослар учинчи вариантда  $4,9...5,3\%$  кўп ва биринчи вариантдагига нисбатан  $9,4...10,3\%$  ортиқ сув узатади.

9. Сув олиш иншоотларининг 1, 2 ва 3 – вариантлар бўйича қурилиш баҳолари таққосланганда, бир – биридан катта фарқ бўлмайди. Аванкамерани гидравлик қаршиликларини камайиши натижасида учинчи вариант бўйича сув узатиши ва ФИК ортади, йиллик эксплуатация ҳаражатларини қисқаришига имконият яратади.

10. Ишлаб чиқилган полигонал кўндаланг кесимли аванкамера конструкцияси бўйича лабораторияда олинган натижалари ва ҳисоблар чеккадаги насосларни сув узатиши  $8,31\%$  ва ФИК  $5,2\%$  базовий конструкцияга нисбатан ортиши аниқланди. Таклиф қилинган тадбирларни тадбиқ қилиш ҳисобига мавжуд Д12500-24(48Д-22) насослар билан жиҳозланган тўққиз агрегатли “Оби-Ҳаёт” НС такомиллашган аванкамерани конструкцияси қўлланилиши ҳисобига, кутилаётган йиллик иқтисодий самара  $26,07$  млн. сўмни ташкил қилди.



**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ  
ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО  
ХОЗЯЙСТВА**

---

**АНДИЖАНСКИЙ ИНСТИТУТ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА И  
АГРОТЕХНОЛОГИЙ**

**ШАКИРОВ БАХТИЯР МАХМУДОВИЧ**

**ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И ПРАКТИЧЕСКИЕ МЕТОДЫ РАСЧЁТА  
РАВНОМЕРНОГО РАСПРЕДЕЛЕНИЯ ПОТОКА В АВАНКАМЕРЕ  
НАСОСНОЙ СТАНЦИИ**

**05.09.06 - Гидротехническое и мелиоративное строительство**

**АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИИ ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2020**

Тема диссертации доктора наук (DSc) по техническим наукам зарегистрирована в этой аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.1.DSc /T211

Диссертация выполнена в Андижанском институте сельского хозяйства и агротехнологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу [www.tiame.uz](http://www.tiame.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz).

**Научный консультант:**

**Мамажонов Махмуджон**  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Гловацкий Олег Яковлевич**  
доктор технических наук, профессор

**Жонкобилов Улугмурад Умбарович**  
доктор технических наук, доцент

**Эргашев Рустам Рахимович**  
доктор технических наук, доцент

**Ведущая организация:**

**Ташкентский государственный технический университет**

Защита диссертации состоится «11» декабрь 2020 г. 14<sup>00</sup> часов на заседании научного совета DSc.03/30.12.2019.T.10.02 при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства по адресу: 100000, г.Ташкент, ул. Кары Ниязий, 39, тел. (+99871)-237-22-67, 237-22-09, факс: 237-54-79, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz).

С докторской диссертацией (DSc) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (регистрационный номер 841 Адрес 100000, г. Ташкент, Кары Ниязий, 39, тел. (+99871)-237-19-45, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz)

Автореферат диссертации разослан «22» ноябрь 2020 г.  
(протокол рассылки № 141 от «2» 12 2020 г.)



**Т.З.Султонов**  
Председатель научного совета по присуждению  
учёных степеней, д.т.н., профессор

**А.А.Янгиев**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению  
учёных степеней, д.т.н., профессор

**М.Р.Бакиев**  
Председатель научного семинара при научном  
совете по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (DSc) )**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Одной из актуальных задач является обеспечение продовольственной безопасности населения за счёт обеспечения необходимой потребности сельскохозяйственных культур в орошаемой воде. «В мире сельскохозяйственная продукция выращивается на площади 4 млрд 886,3 млн. гектаров, из которых на 43,2 процентах земель для орошения культур используются системы насосных станций»<sup>1</sup>. В этом направлении, в мире для обеспечения орошаемых площадей поливной водой большое внимание уделяется повышению эффективности эксплуатации насосных станций оросительных систем, достигнуты определённые успехи в США, Канаде, Японии, Германии, России, КНР и других развитых странах.

В мире особое внимание уделяется научным исследованиям, направленным на совершенствование систем машинного водоподъёма, вопросам проектирования водоприёмных сооружений и повышения эффективности их эксплуатации, разработке конструктивных мероприятий по обеспечению экономии водных, энергетических и материальных ресурсов. В этом направлении, исследования водоприёмных сооружений по равномерному распределению потока, по разработке конструкций аванкамеры обеспечивающей близкую к проектной подачу крайних насосов, обеспечение не заиливания водоприёмных сооружений, разработка математической модели, алгоритма и программы расчета на ЭВМ для оценки структуры потока в различных режимах работы насосной станции, а также компьютеризированной системы мониторинга работы аванкамеры являются одними из важных задач.

В настоящее время в республике проводятся широкомасштабные мероприятия, направленные на повышение эффективности эксплуатации и реконструкции насосных станций оросительных систем, модернизации устройств и технологий по обеспечению эффективности их работы. В Стратегии действий на 2017-2021 годы по дальнейшему развитию Республики Узбекистан отмечены задачи, в том числе, «...снижение расхода энергии и ресурсов для повышения конкурентоспособности национальной экономики, развитие сетей мелиоративных и ирригационных объектов»<sup>2</sup>. Для выполнения поставленных задач, актуальное значение приобретает проведение научно-исследовательских работ, направленных на разработку рационального использования насосных станций оросительных систем, вопрос обеспечения равномерного растекания потока в аванкамере для обеспечения проектной подачи и предотвращения работы насосов в кавитационном режиме, разработка конструктивных мероприятий по предотвращению заиливания, проектирования конструкций водоприёмных сооружений и разработка совершенных способов их эффективного использования.

<sup>1</sup>[www.amm.org.ua/Понятие и состав земель сельскохозяйственного назначения. https://www.zerno-ua.com/journals/2010](http://www.amm.org.ua/Понятие_и_состав_земель_сельскохозяйственного_назначения._https://www.zerno-ua.com/journals/2010).

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7-февраля 2017 года «Стратегия дальнейшего развития Республики Узбекистан».

Настоящая диссертационная работа в определенной степени служит для выполнения поставленных задач в Указах Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 17 апреля 2018 года № УП-5418 «О мерах по коренному совершенствованию системы управления сельского и водного хозяйств», в Постановлениях от 25 сентября 2017 года № ПП-3286 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы охраны водных объектов», от 27 ноября 2017 года № ПП-3405 «О Государственной программе улучшения мелиоративного состояния орошаемых земель и развития ирригации в 2018-2019 годы», а также в других нормативно-правовых документах относящихся к данной деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VII. «Рациональное природопользование и экология».

**Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации<sup>3</sup>.** В настоящее время проводятся широкомасштабные научно-исследовательские работы по повышению эффективности эксплуатации и совершенствования конструкции водоприёмных сооружений насосных станций ведущими научными центрами и высшими учебными заведениями, в том числе Department of Mechanical Engineering university of Ottawa (Канада), Department of Elektrical und Computer Engineering Texas University (США), Chuntsin University, Wuhan University (Китай), Wageningen University (Голландия), Universität Hohenheim (Германия), Московская государственная сельскохозяйственная академия, Российский научно-исследовательский институт мелиорации и гидротехники, Московский государственный строительный университет (Россия), Ташкентский государственный технический университет, Научный технический центр АО «Узбекэнерго», Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (ТИИМСХ), научно-исследовательский институт ирригации и водных проблем (Узбекистан).

В результате проводимых исследований в мире по способам расчёта равномерного растекания потока и совершенствованию конструкции водоприёмных сооружений насосных станций при проектировании получены способы обеспечения равномерного растекания потока на основе составления компьютерной программы Wuhan University (Китай), улучшение гидравлических характеристик аванкамеры и водоприёмных камер, проведен анализ рабочих процессов в системе водоподачи, разработаны конструктивные мероприятия повышения гидравлических условий работы водоприёмных сооружений, усовершенствованы водоприёмные сооружения насосных станций

---

<sup>3</sup>Обзор международных научных исследований по теме диссертации разработана на основе: <http://www.ece.utexas.edu/>; <http://international.cqu.edu.cn/>; <http://en.whu.edu.cn/>; <http://www.wur.nl/>; <https://www.uni-hohenheim.de/>; <http://ieek.timacad.ru/>; <http://www.vniig.rushydro.ru/>; <https://www.tyuiu.ru/> и др.

и достигнуты определенные положительные результаты по повышению их гидравлических условий работы (Россия, Узбекистан и Украина).

В мире проводится ряд научных исследований по созданию расчётных способов равномерного растекания потока в водоприёмных сооружениях, по разработке конструктивных мероприятий по обеспечению равномерного растекания потока в аванкамере насосных станций, в том числе разработка программ вычисления на ЭВМ гидравлических условий работы при проектировании водоприёмного сооружения, совершенствование технологии и техники очистки наносов, обеспечение нормального уровня воды в аванкамере, разработка новых рациональных конструкций для улучшения гидравлических характеристик водоприёмных сооружений.

**Степень изученности проблемы.** В настоящее время проблемы, связанные с повышением эффективности эксплуатации насосных станций, совершенствования конструкции водоприёмных сооружений и внедрения современных методов проектирования с учётом возрастающего дефицита оросительной воды подробно отражены в научных работах и получены положительные результаты рядом исследователей, в том числе В.Dhillon (Department of Mechanical Engineering University of Ottawa. Kanada), Ch.Singh (Университет Техаса, США), Керр, Розенберг, Расмуссен, Р.Стюарта (Германия), К.Бари, Э.Барлоу, А.Биролини, Дж.Фране, Торнли Дж. Омари, А.Буззони (Италия), Отогаро Мийаги, Д.Конди, Г.Тойкура, Н.Кубата, М.Мураками, Х.Кумамото (Япония), Рата (Индия), Д.Т.Гаевика (Швейцария), Б.Момчилов, Б.Попов (Болгария), В.В.Рычагов, Н.Н.Накладов, В.В.Буренина, А.И.Степанов, Г.Г.Еникеев, В.Я.Карелин, М.И.Бальзанников, В.В.Елистратов, Е.Т.Зайченко, В.И.Виссарионов, О.Н.Померанцев (Россия), Ш.Х.Рахимов, О.Я.Гловацкий, С.И.Кеберле, М.Мамажонов, М.М. Мухаммадиев (Узбекистан) и другие. В области гидротехнического строительства много внимания уделено вопросам теории эксплуатации гидротехнических сооружений. В этом направлении научные исследования провели Ц.Е.Мирцхулава, И.Н.Ивашенко, В.С.Пепоян, С.Г.Шульман, Д.В.Стефанишин, О.М.Финагенов (Россия), М.М.Мирсаидов, М.Р.Бакиев, Э.Ж.Махмудов, Т.З.Султанов, А.А.Янгиев (Узбекистан) и другие.

С созданием и усовершенствованием конструкции водоприёмных сооружений, вопросами их эффективной эксплуатации занимались Т.В.Гавриленко, А.М.Магомедов, С.А.Петухов, А.Л.Рахманов, В.А.Солнышков, В.В.Баженов, И.Э.Махмудов. В научных исследованиях К.Р.Аллаева, О.Я.Гловацкого, Ш.Х.Рахимова, Т.С.Камалова, М.М.Мухаммадиева, М.М.Мамажанова, Р.Р.Эргашева разработаны рекомендации по повышению эффективности эксплуатации насосных станций. В научно-исследовательские работы по вопросам применения методов вычислительной гидравлики открытых потоков большой вклад внесли Дж. Стокер (США), М. Эббот, Ж. Кюнж, П. Гластер (Англия), О.Ф. Васильев, Н.Е. Вольцингер, Р.В. Пясковский, Л. В. Овсянников, В.М. Лятхер, А.Н. Милитеев, М.Т. Гладышев, К.В. Гришанин, И.А. Шеренков, А.Н. Милитеев (Россия), О.М.Арифжанов и Д.Р.

Базаров (Узбекистан). В результате проведенных исследований по улучшению гидравлических условий работы водоприёмных сооружений насосных станций разработаны конструкции аванкамеры для создания равномерного распределения потока (Болонья, Италия), созданы конструкции аванкамеры с криволинейным фронтом водозабора (Московская сельскохозяйственная академия, Россия), разработаны методики гидравлического расчёта аванкамеры с прямым и обратным уклоном, математические модели по определению основных характеристик потока (Бордо, Франция и Московская сельскохозяйственная академия, Россия).

